

«Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга шарҳ (7, 8-бетларда ўқинг).



«Асака» банк: чакана хизматлар бозоридаги фаоллик.....9

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги — 2014 йил якунлари.....11

БАНК АЖАБОРРОННОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 8 (979), 2015 йил 25 февраль

www.banknews.uz

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Депутатлар янги қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар

20 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан сўнг депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор янги қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Бундан олдин сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлислари бўлиб ўтди. Ушбу мажлисларда кун тартибига киритилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаларини ҳар томонлама муҳокама этиш якунларига кўра, уларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Депутатлар ўз ишларини «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этишдан бошладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузасида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш муҳимлигини таъкидлаб, акциядорлар ва, аввало, акцияларнинг миноритар эгалари амалиётнинг кўрсатишича, ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмаётганлигини, жамиятлар фаолиятига таъсир кўрсатмаётганлигини қайд этган эди.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган 2014-2015 йилларда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқ тайёрланди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни самарали шакллантириш ва фаол ривожлантиришга ҳамда жамият миноритар акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

— Ушбу қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти корпоратив бошқарув тизимида принциплар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнлари корпоратив менежментининг замонавий халқаро стандартларини жорий этишдан иборатдир, — дея таъкидлади **Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг аъзоси Н.Саидахметова**. — Бунда шунга ўхшаш чет эл тажрибаси ҳисобга олинди, боз устига, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, айниқса, саноат ишлаб чиқариши соҳасида мулкчиликнинг бу шакли катта салмоққа эга. Қонун лойиҳаси акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятларни ўртача муддатли ва узоқ муддатли даврда ривожлантириш бўйича аниқ стратегияни тасдиқлашга доир талабларга эга нормаларни қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаш, ижро этувчи орган ва кузатув кенгашининг жамиятларни ривожлантириш стратегиясига эришиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб боришни назарда тутади. Айниқса, шуниси муҳимки, акциядорлик жамиятларининг йирик акциядорларига (акцияларнинг 25 фоизидан ортиғига эгаллик қилувчиларга) ушбу жамиятларнинг миноритар акциядорлари олдида дивидендлар бўйича қарз бўлмаган тақдирда дивидендлар тўлаш тўғрисидаги норма мустаҳкамлаб қўйилади. Киритилаётган тузатишлар жамиятда корпоратив бошқарувни ривожлантиришда, акцияларининг ҳажми кичик ва тарқоқлиги туфайли бугунги кунда амалда бошқариш ҳамда қарорлар қабул қилишдан маҳрум бўлган миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

(Давоми 4-бетда).

«BankExpo-2015» кўргазмаси ҳудудларда ўтказилмоқда

Ўтган ҳафтада «BankExpo-2015» — банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида бўлиб ўтди.

Бугунги кунда «BankExpo» кўргазмаси республикамиз молия-банк тизимини босқичма-босқич ривожлантириб боришда муҳим тадбирлардан бирига айланди. Кўргазманинг минтақалар бўйлаб ташкил этилиши эса, республикамизнинг вилоят ва туманларида Ўзбекистон банк тизими вакиллари ҳамда ишбилармонлар ўртасида ўзаро самарали мулоқотлар ўрнатишга имкон туғдирмоқда. Кўргазма банк тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижаларини аниқ намойиш этиши билан аҳамиятлидир. Уни ташкил этишда Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябр-


даги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарори дастуриламал бўлмоқда.

Кўргазма, шунингдек, тижорат банкларининг кредит фаолияти, жумладан, ҳудудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ёшлар ва аёллар тадбиркорлиги учун тақдим этаётган имтиёзли кредит хизматларидан кенг жамоатчиликни хабардор қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

(Давоми 3-бетда).

Намунавий уйлар учун янги омонатлар

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида жамиятимизни модернизациялаш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш шароитини яратиш энг эзгу мақсадга айланди.



Йилдан-йилга аҳолининг фаровонлиги ортиб, ҳудудларда намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қуриш суръати ва кўлами кенгаётгани бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 17 июнда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уч, тўрт ва беш хонали уйлар қурилмоқда.

(Давоми 10-бетда).

☑ Бир мавзу тафсилоти

2015 йил 1 февраль ҳолатига кўра, масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 559 559 нафарни ташкил этди. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатида бу кўрсаткич 264 390 нафарга тенг бўлган эди. Жорий йил 1 февраль ҳолатига келиб, «SMS-банкнинг» тизимидан 496 477 нафар банк мижози, «Интернет-банкнинг» тизимидан эса 63 082 нафар банк мижози фойдаланди.

(Батафсил 9-бетдаги «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари» номли мақолада ўқинг).

DOLZARB MAVZU

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

«КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуг инсонлар, айниқса, 1941 – 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик кадрияти ва аънавлари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифи ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуг инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш;

кексалар, авваломбор, фашизм устидан қозонилган ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса кўшган 1941 – 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуг инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, «Нуроний» жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш;

фахрийлар ва ёши улуг инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш,

уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва юрак-қон томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санатория-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;

мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса кўшган, соғлом ва баркамол униб-ўсаётган авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни тизимли асосда амалга ошириш, оила ва жамиятда ёши улуг инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарни, ҳар бир нуронийни чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

ҳар бир кексага ҳар томонлама эътибор қаратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш ва ошириш, кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, қизиқиши бўйича клублар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, телевидение, оммавий ахборот воситалари, кинотеатрлар, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёши улуг инсонларнинг қизиқишларига мос мавзуда янги махсус кўрсатувлар, спектакль ва

фильмлар яратиш ва эфирга узатиш ҳажмини кўпайтириш;

маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган секторни мустаҳкамлаш, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идора ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни назарда тутиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 12 декабрдаги 4393-фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирилик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика комиссиясига (Ш. Мирзиёев) «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш юклансин.

Республика комиссияси:

бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин ва уларнинг зиммасига Давлат дастурида белгиланган вазифаларни сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин;

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри, 2015 йил 18 февраль

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, ҳудуд, шаҳар, туман ва аҳоли пунктларининг «Кексаларни эъзозлаш йили» бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари даражасида тасдиқланган Давлат дастурига киритилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича ишларни мувофиқлаштирсин ва ушбу тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

ҳар чорак якунлари бўйича «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот бериб борсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет-ресурсларни жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш бўйича асосий йўналишлар ва чора-тадбирлар мунтазам ва кенг кўламли ёритилишини;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги иштироки ва кўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда, Давлат дастурининг бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда Россия, Қозоғистон, Латвия ва бошқа давлатларнинг йирик савдо мажмуалари, халқаро савдо ташкилотлари вакиллари ҳамда халқаро экспертлар, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Тошкент вилоятидан деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, агрофирмалар раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, айниқса, мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратил-

Маҳсулотлар экспорти ошмоқда

Фарғонада қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти ва логистикасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

моқда. Айни пайтда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, логистика тизимини кенгайтириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг



экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалигини янада ислоҳ қилиш жараёнида фермерлик ҳаракати ва агробизнеснинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, жо-



рий этилаётган янги технологиялар етиштирилаётган маҳсулотлар экспорт ҳажмини ошириш имконини бермоқда. Маҳсулотлар экспортини йўлга қўйишда эса логистика марказлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Давра суҳбатида мева-саб-

завот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш мамлакатимиз иқтисодиётининг қишлоқ ҳўжалиги секторидagi жадал ривожланаётган ва истиқболли йўналишларидан бири экани таъкидланди.

– Серқуёш Ўзбекистон заминида етиштирилган мевалар бутун дунёда ўз харидорига эга, – дейди Латвиянинг «Trialto Latvija» компанияси бошқаруви аъзоси Давид Хефец. – Мевазор боғлар, бозорлардаги мўл-кўлчилик халқингиз фаровонлиги, юртингиз бойлигининг яққол далилидир. Ўзбекистонда етиштирилаётган маҳсулотларга бизда талаб катта. Бугунги тадбирда ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашдик.

ЎЗА материали асосида.

BANK VA MIJOZ

«BankExpo-2015» кўргазмаси ҳудудларда ўтказилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Банк маҳсулотлари ва хизматлари

Банклар фаолиятини кенгайтириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ўзаро алоқаларни янада яхшилашда замонавий технологияларнинг ўрни бекиёс.

Жиззах Бу борада эса, банк технологиялари ва хизматлари бўйича ташкил қилинаётган анъанавий «BankExpo» миллий кўргазмаси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад банкларнинг бугунги ҳолати, истиқболли режалари, кредитлар ажратиш шарт-шароитлари, уларнинг молиявий ва бошқа ресурслар билан таъминланганлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар билан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш баробарида, мижозлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Шунинг учун кўргазмага бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Яқинда Жиззах вилоятида бўлиб ўтган «BankExpo-2015» миллий кўргазмасига кенг жамоатчилик вакиллари, аҳоли, шу жумладан, кўп сонли касб-хунар коллежлари битирувчилари, чет эллик ҳамда маҳаллий ишбилармонларнинг ташриф буюргани буни яққол тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, Жиззах вилоятида сўнгги беш йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажми 1,3 баробардан кам бўлмаётгани ҳудудда ишбилармонлик муҳити тобора яхшиланиб бораётганидан далолат беради. 2014 йил давомида вилоят тижорат банклари томонидан мазкур соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш учун 265 млрд. сўм ҳажмида кредит маблағлари ажратилди. Шундан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликка

10 млрд. сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларига 7,9 млрд. сўм миқдорда сармоялар йўналтирилди.

Кўргазмада тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган «Мобиль-банкнинг», «SMS-банкнинг», «он-лайн» режимида ахборот олиш ёки тўловларни амалга ошириш каби замонавий хизматларга иштирокчиларнинг қизиқиши юқори бўлганлиги унинг қизгин ва ишчан руҳда ўтишини таъминлади. Тадбирда тижорат банклари билан бир қаторда лизинг ва суғурта компаниялари, нобанк кредит ташкилотлари ҳамда ахборот технологиялари йўналишида фаолият юритаётган муассасаларнинг иштирок этиши унга ўзгача мазмун киритди.

«BankExpo-2015» дастури ранг-баранг. Унда молия муассасаларининг малакали ходимлари томонидан тизимга оид турли йўналишлар бўйича давра суҳбатлари, семинар ҳамда тақдимот маросимлари ўтказилди.

Кўргазма доирасида банклар минтақанинг чекка туманларидаги тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда ёш ишбилармонларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилувчи инновацион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича эълон қилган танловлари ғолиблари ҳам аниқланди. Уларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи 50 дан ортиқ махсус сертификатлар топширилди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Сертификатлар топширилди

Қашқадарёда ҳам «BankExpo-2015» миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Қашқадарё Унда тижорат банклари, кредит ташкилотлари, етакчи суғурта ва лизинг компаниялари вакиллари иштирок этди. Тадбирда кейинги йилларда банк-молия тизимида эришилган ютуқлар ва истиқболдаги ривожланиш йўналишлари, янги технология ва хизматлар, тадбиркорлик субъектлари, ёш оилалар, коллеж битирувчилари, хотин-қизларга тақриф этилаётган банк хизматлари бўйича маълумот берилди.

Кўргазма доирасида тижорат банклари томонидан чекка ҳудудларда иш олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, энди иш бошлаётган ёш тадбиркорларнинг бандликни таъминлашга қаратилган истиқболли лойиҳаларини аниқлаш бўйича ўтказилган танлов ғолибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

– Корхонамизда тикувчилик ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, – дейди **Деҳқонобод туманидаги «Аралова Моҳинур» хусусий корхонаси раҳбари Нодира Бойназарова.** – Айни пайтда фаолиятимизни кенгайтириш, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Истиқболли лойиҳаларни аниқлаш бўйича тижорат банклари томонидан ўтказилган танловда иштирок этиб, 35 млн. сўм имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўлганимиз бунда қўл келиши шубҳасиз.

ЎЗА материали асосида.

Хизматлар кўлами кенгаймоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «BankExpo-2015» миллий кўргазмасининг ҳудудий босқичга 5 мингдан ортиқ иштирокчи ташриф буюрди.

Сурхондарё Кўргазманинг очилиш маросимида сўз олганлар юртимизда турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар қаторида банк тизимида ҳам туб ўзгаришлар кузатилаётгани, 2014 йилда хорижнинг нуфузли рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизимини «барқарор» дея қайта тасдиқлагани, Халқаро



молия корпорацияси ва Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш-2015» ҳисоботида республикамиз банкларининг кредитлаш тизими юқори поғоналарга кўтарилганини мамнуният билан таъкидлади.

Айтиш жоизки, «BankExpo-2015» миллий кўргазмаси аслида республикамиз аҳолиси, ишбилармонлар ва ёшларни банк-молия тизимидаги ана шундай ютуқлар ҳамда замонавий банк маҳсулот ва хизматлари билан таништириш, тадбиркорлар учун яратилган имтиёз ва преференциялар хусусида

батафсил маълумот бериш мақсадида ташкил қилинмоқда. Унда нафақат тижорат банклари, балки солиқ, суғурта, лизинг каби бошқа молия ташкилотларининг ҳам кенг иштироки таъминланмоқда.

– «BankExpo-2015» халқимизни Ўзбекистон банк тизимининг бугунги кунда мустаҳкам, ишончли, барқарор ва кафолатланганлигидан хабардор этишда энг муҳим тадбир ҳисобланади, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Сурхондарё вилояти бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдулазиз Бозоров.** – Шунингдек, кўргазма аҳолини кредитлаш механизми, шарт-шароитлари ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш тартиблари билан яқиндан таништириш, уларнинг банкларга бўлган муносабатини яхшилашга, ишончини мустаҳкамлашга ва пировардида, кредит ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Сўнгги йилларда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажмининг ўртача ўсиш суръати 30 фоиздан ошди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тад-

бирлар доирасида 2014 йил давомида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 55 млрд. 557 млн. сўмлик, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнесга оид ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 11 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Кўргазмада банк ходимлари ва меҳмонларнинг самарали мулоқот ўтказишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Турли мавзулардаги давра суҳбатлари, семинар ва тақдимотлар ташкил этилди. Тадбир доирасида тижорат банклари вилоятнинг чекка ва аҳолиси зич жойлашган туманларида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек, коллеж битирувчилари ўртасида ўтказган танлов натижаларини эълон қилиб, улар орасида ғолиб деб топилган 76 нафар энг яхши лойиҳа эгалари жами 10 млрд. 613 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирланди.

Кўргазмада «Камолот» ЁИХ, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаларидан ҳам вакиллар иштирок этди.

Назира МАВЛОНОВА.

Кўргазма: ахборот ва алоқа майдони

«BankExpo-2015» – банк технологиялари, маҳсулотлари ва хизматлари миллий кўргазмаси Қорақалпоғистон Республикасида катта тайёргарлик билан ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Тадбирга мингдан зиёд маҳаллий аҳоли, молия-банк соҳаси мутахассислари, тадбиркор ва ишбилармонлар, олий ва ўрта махсус таълими муассасалари ўқувчи-талабалари ҳамда чет эллик меҳмонлар ташриф буюришди.

Кўргазма экспозицияси тижорат банклари ҳамда бошқа молия муассасалари томонидан тақдим этилаётган замонавий маҳсулот ва хизматлар билан бойитилди. «Мобиль-банкнинг», «SMS-банкнинг», «он-лайн» режимида ишловчи хизматлар тадбирда энг ёрқин стендлар сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, кўргазма ташриф буюрувчилари орасида ёш оилалар ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Улар минтақа банклари томонидан ажратилаётган ипотека ва истеъмол кредитлари, жумладан, қишлоқ жойларида қурилаётган намунали уй-жойлар ҳамда «Камолот» уйлари молиялаштириш билан боғлиқ шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

«BankExpo-2015», айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун ҳақиқий ахборот майдонига айланди. Банклар ушбу соҳа субъектлари учун нафақат хизматлар намойиши, балки банк-молия тизимидаги бугунги ислохотлар, улар фаолиятини кенгайтириш

билан боғлиқ имтиёз ва преференциялар хусусида тақдимотли тадбирларни ҳам ташкил қилди. Эътиборлиси, мана шундай тадбирлар доирасида тадбиркорлар банкларнинг рағбатлантирувчи совринлари орқали ўз имкониятларини янада кенгайтиришга муваффақ бўлди. Хусусан, минтақанинг энг чекка ҳудудларида фаолият юритувчи 35 нафар тадбиркор, фермер ва хунарманд банкларнинг имтиёзли кредит хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, тижорат банкларининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада аёллар ҳамда ёшлар ташаббускорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни шакллантириш ва шу орқали минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Чунинчи, 2014 йил давомида мазкур ҳудуд банклари томонидан соҳага 364 млрд. сўм ҳажмида кредит маблағлари ажратилди, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 6,7 млрд. сўмга тенг бўлган тадбиркорлик лойиҳалари молиялаштирилди. Натижада 7 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

ISLOHOTLAR YO'LIDA

Депутатлар янги қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида биз уни кўмилада давлат бошқаруви органлари, фуқаролик жамиятлари институтлари вакиллари, шунингдек, соҳа мутахассислари ҳамда ҳуқуқшунослар иштирокида кенг муҳокама этдик, – дейди **Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар кўмитасининг аъзоси Б.Темирханова**. – Бунда бошқа кўмиталар ва сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий хужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган барча фикр-мулоҳазалари инобатга олинди. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишнинг кейинги босқичига тайёрлаш юзасидан навбатдаги ҳаракатлар режасини ишлаб чиқдик.

Шундан сўнг депутатлар «Хусусий мулк ҳуқуқлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг

муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида тадбиркорлик субъектлари ҳамда хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонунчилик йўли билан ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш зарурлигини таъкидлаган эдилар.

Қонун лойиҳаси хусусий мулкни ҳимоя қилишни ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришга, шунингдек, хусусий мулк ҳуқуқларини бузганлик учун шахсларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган. Тузатишлар Фуқаролик, Уй-жой, Солиқ кодексларига, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига киритилмоқда.

– Қонун лойиҳасида хусусий мулкни ҳимоя қилишни ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришга, шунингдек, хусусий мулкни қонунга хилоф равишда олиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишга доир чора-тадбирлар назарда тутилмоқда, – дея таъкидлади **Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг аъзоси Ш.Мамажонов**. – Шунингдек, Фуқаролик кодексига мулкнинг ҳуқуқнинг бозор қийматини баҳолаш бевосита бундай мол-мулкни олиб қўйишдан олдинги ёки келгусида олиб қўйили-

ши ҳақидаги хабар мол-мулк ва мулкнинг ҳуқуқнинг бозор қийматига таъсир қилган пайтга баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолашнинг назарда тутовчи қўшимча киритиш тартиби белгилаб қўйилмоқда.

Солиқ кодексига шундай норма мустақамланмоқдаки, унга мувофиқ мулкдорлар давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида мурожаат қилганда судларда давлат божини тўлашдан озод этиладилар. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хусусий мулкдорларни янада самарали ҳимоя қилишга, айбдорлар, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан бундай ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймасликка хизмат қилади.

– Қонун лойиҳаси кўмитамиз аъзолари томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар билан ҳамкорликда ҳар томонлама кўриб чиқилди, – дея қайд этди **Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси В.Цветков**. – Шунингдек, хужжат сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик

ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлисларида уларнинг партиялари дастурларини ҳамда сайловчилари фикрларини инобатга олган ҳолда муҳокама этилди. Мажлислар иштирокчилари масъул кўмитанинг қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватладилар.

Шунингдек, депутатлар бир қатор бошқа қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Мажлис кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама этилганидан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси уларнинг концепцияларини маъқуллади ва биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул кўмиталарга келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда хужжатларни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати материаллари
асосида тайёрланди.**

Реклама



«АСАКА» БАНК

ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



2015 йил – «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«ҚАДРИЯТ»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳар филиали	(0-371) 120-83-13	10. Фарғона вилояти филиали	(0-373) 244-39-14	19. Самарқанд вилояти филиали	(0-366) 233-65-47
2. Автотранспорт филиали	(0-371) 120-39-95	11. Марғилон филиали	(0-373) 237-62-23	20. Афросиёб филиали	(0-366) 221-75-40
3. Шайхонтоҳур филиали	(0-371) 140-39-36	12. Олтиариқ филиали	(0-373) 432-19-80	21. Қашқадарё вилояти филиали	(0-375) 221-07-41
4. Юнусобод филиали	(0-371) 221-80-67	13. Кўқон филиали	(0-373) 542-61-01	22. Сурхондарё вилояти филиали	(0-376) 224-00-16
5. Сергели филиали	(0-371) 257-44-10	14. Наманган вилояти филиали	(0-369) 225-44-03	23. Қорақалпоғистон филиали	(0-361) 770-60-59
6. Тошкент вилояти филиали	(0-371) 120-84-13	15. Навоий вилояти филиали	(0-436) 770-21-29	24. Хоразм вилояти филиали	(0-362) 228-14-81
7. Андижон вилояти филиали	(0-374) 223-60-74	16. Зарафшон филиали	(0-436) 572-40-14	25. Сирдарё вилояти филиали	(0-367) 225-44-03
8. Асака филиали	(0-374) 233-21-99	17. Бухоро вилояти филиали	(0-365) 770-05-19	26. Жиззах вилояти филиали	(0-372) 226-43-11
9. Фарҳод филиали	(0-374) 226-96-63	18. Бухоро шаҳри филиали	(0-365) 770-11-27		

ШУ БИЛАН БИРГАЛИҚДА, «АСАКА» БАНК МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРДАГИ 60 ГА ЯҚИН ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ҚУЛАЙ ШАРТЛАРДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- миқдори чекланмаган.

«Асака» банк – сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
Қ А Р О Р И

**Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш
ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги
Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 9 февраль куни
1834-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР КИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сон қарори (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) (Ўзбе-

кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 276-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси в.в.б.
Тошкент ш.,
2014 йил 30 декабрь, 47/9-сон**

У. МУСТАФОВ

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2014 йил 30 декабрдаги
47/9-сонли қарорига ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш
ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги
Йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банклар ушбу Йўриқномада белгиланган қоидалар доирасида ўзларининг иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда филиал, минибанк ва бошқа шохобчалар фаолиятида бухгалтерия ҳисобини аниқ ва тўлиқ юритилиши ва ички назорат самардорлигини таъминлаш мақсадида ҳамда уларнинг даромад ва харажатлари ҳисобини тўғри юритиш, молиявий ва солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тайёрлаш ва тақдим қилиш ҳамда пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тикиш ва сақлаш тартиботларини белгиловчи ички ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишлари лозим.»

2. 9 ва 10-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Бухгалтерия аппарати ходимларининг аниқ вазифалари бош бухгалтер томонидан белгилаб берилди ва банк раҳбари томонидан тасдиқланади.

10. Масъул ижрочи ва назоратчи бухгалтерлар зиммасига муайян ҳисобварақларни юритиш ёки алоҳида операцияларни амалга ошириш ишлари юклатилади. Ҳисобварақлар банк ички тартиб қоидалари бўйича ходимлар ўртасида шундай тақсимланадики, бунда битта хўжалик юритувчи субъектнинг барча депозит ва ссуда ҳисобварақлари битта бухгалтерия ходимига бириктирилади. Чет эл валютасида очилган ҳисобварақлар бошқа ходим томонидан юритилиши мумкин.

Ҳисобварақларни бухгалтерия ходимлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш китоби қўлда

ёки дастурий равишда бош бухгалтер томонидан юритилади.»

3. 11-банд биринчи хатбошисининг учинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дафтар варақлари рақамланган, боғланган ва банк муҳри, банк раҳбари ҳамда бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланган бўлиши ва банк раҳбарининг ёзма фармойиши билан тайинланган ва қимматликлар билан операциялар олиб боришдан озод этилган шахс томонидан алоҳида китобда рўйхатга олинishi лозим.»

4. 16-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Фронт-офис ва Бэк-офис ходимларининг аниқ вазифалари мос равишда Фронт-офис ва Бэк-офис бошлиқлари томонидан белгилаб берилди ва банк раҳбари томонидан тасдиқланади.»

5. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Минибанкларда иш куни банк иш куни давомида амалга оширилган операцияларга асос бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини якуний назоратдан ўтказиш ва кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғмажилдига тикиш учун банкка иш куни тугамасдан олдин инкассация хизмати орқали етказиб берилгандан сўнг яқунланади.»

6. 26 ва 27-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Банкларда барча операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шаклдаги пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг қоғоз ҳамда электрон шакллари асосида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида қайд этилади.

27. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари, шунингдек, Банк ҳисобварағи шартномасида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар банк томонидан фақат мижознинг банкка тақдим қилган муҳр ва имзо қўйилган варақчада кўрсатилган шахслар ёки мижознинг вакил қилинган шахсидан ишончнома асосида қабул қилинади.»

7. 31, 32, 33, 74 ва 125-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. 48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Кириш ва чиқим касса журналлари компьютер техникаси ёрдамида шакллантирилиб, унинг реквизитлари қўлда тўлдирилади. Унда сана, мижознинг ҳисобварақ рақами, кириш ва чиқим ҳужжатининг рақами, ҳисобот рамзи ҳамда унинг суммаси кўрсатилиши лозим.

Кириш ва чиқим касса журналлари банк амалиёт куни давомида компьютерда юритилганда, улар кун якунида қоғозга чоп этилади ҳамда дастлабки назоратдан ўтказган Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи, кириш ёки чиқим кассирлари ҳамда касса мудирини томонидан имзоланади.

Кириш ва чиқим касса журналларининг шакли мазкур Йўриқноманинг 4-илоvasида келтирилган.»

9. 57-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

10. 60-банднинг иккинчи хатбошисидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

11. 67-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда якуний назорат хизмати ходимига топширилаётган кунлик йиғмажилд рақамланган ва брошюраланиб тикилган бўлиши шарт.»

12. 68-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

13. 70-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Якуний назорат текширувлари натижалари алоҳида йиғмажилдга тикилиши лозим.»

14. 73-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

15. 79-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ҳисобварақ эгаси банк пластик карточкаси ва нақд пул чеки йўқолгани ёки ўғирлангани ҳақида банкка хабар бергунга қадар, мазкур банк пластик картаси ва чеклар бўйича маблағлар тўлаб юборилган бўлса, бу тўлов учун банк жавоб бермайди.»

16. 123-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«123. Мижозларнинг шахсий ҳисобварақлари бошланғич ҳужжатлар асосида дастурий йўл билан тайёрланади. Мижозга бериш учун шахсий ҳисобварақдан кўчирма бир нусхада чоп этилади ва у мижознинг ҳисобварағидан амалга оширилган операцияларни банк томонидан тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Ушбу кўчирма мижоз билан келишилган тартибда унинг банкка тақдим қилган муҳр ва имзо қўйилган варақчада кўрсатилган шахслари ёки мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахс томонидан олинади.

Шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар интеграллашган автоматлаштирилган банк тизимида тайёрланади, улар мижозларга берилаётганда мазкур мижозга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочи бухгалтер (Фронт-офис ходими) имзоси ва унга бириктирилган банк штампи билан расмийлаштирилади.

Банклар учун шахсий ҳисобварақлар тўғрисидаги маълумотлар зарур бўлган ҳолларда интеграллашган автоматлаштирилган банк тизимининг электрон маълумотномалар ягона базасидаги маълумотлардан фойдаланилади.»

17. 157-бандда:

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кунлик баланс ҳисоботи.

Кунлик бухгалтерия журнали электрон кўринишда ўрнатилган тартибда сақланади ва зарур ҳолларда ҳужжатлар рўйхати кунлик бухгалтерия журналнинг тегишли қисмидан дастурий йўл билан олинади.»;

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

18. Йўриқноманинг 6-илоvasи мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага 6-ИЛОВА

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилган тўлов ҳужжатлари рўйхати

Сўм ва тийинда

Т/р	Иккинчи тартибли баланс ҳисобварақлар рақами	Тўлов ҳужжатлари тури (шифри)	Ҳужжатлар сони	Сумма
1	2	3	4	5

Банклараро ва филиаллараро тўловлар бўйича банк ҳисобварақларининг кредитланишига асос бўлган электрон тўлов ҳужжатлари рўйхати

Сўм ва тийинда

Т/р	Маблағ олувчиларнинг иккинчи тартибли баланс ҳисобварақлар рақами	Тўлов ҳужжатлари тури (шифри)	Ҳужжатлар сони	Сумма
1	2	3	4	5

Банк ички ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган операцияларга асос бўлган мемориал ордерлар рўйхати

Сўм ва тийинда

Т/р	Дебетланган иккинчи тартибли баланс ҳисобварақлар рақами	Ҳужжатлар сони	Сумма
1	2	3	4

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган операциялар учун асос бўлган мемориал ордерлар рўйхати

Сўм ва тийинда

Т/р	Дебетланган кўзда тутилмаган ҳолатлар иккинчи тартибли ҳисобварақлар рақами	Ҳужжатлар сони	Сумма
1	2	3	4

Ҳар бир варақ охирида мазкур варақдаги ҳужжатлар сони, мазкур варақ бўйича тўлов ҳужжатларининг умумий суммаси, банк раҳбари ҳамда бош бухгалтери имзоси бўлиши керак. Мазкур дастурий мажмуа орқали амалга оширилган тўлов ҳужжатлари шакли охирида ҳужжатларнинг умумий сони, умумий сумма, банк раҳбари ва бош бухгалтери имзоси бўлиши лозим.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартиришлар ва кўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 9 февраль куни 1948-9-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қаро-

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси в.в.б.
Тошкент ш.,
2014 йил 30 декабрь, 47/10-сон**

ри (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги Йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва кўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

У. МУСТАФОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил
30 декабрдаги 47/10-сонли қарорига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги Йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар ва кўшимча

1. 2-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар юридик шахснинг асосий ҳисобварағидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.»

2. 13-бандда:

«б» кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;
«в» кичик банддан «ҳамда нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 14-банднинг «в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча;».

4. 16-банднинг «в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) мазкур Йўриқноманинг 4-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча;».

5. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча икки нусхада тақдим қилинади. Варақчанинг бир нусхаси бухгалтерда, иккинчиси эса, пул чекларини расмийлаштирувчи назоратчида туради. Банкларда мижозларнинг бир нечта ҳисобварақларига хизмат кўрсатиладиган бўлса, улардан имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар кўшимча равишда талаб қилиниши мумкин. Имзолар намуналари ва муҳр изи

қўйилган варақчаларда ҳисобварақларнинг рақамлари кўрсатилади.».

6. 38-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Юридик шахснинг муҳри ўзгарганда, варақчада кўрсатилган имзолардан бирортаси алмаштирилганда ёки қўшилганда ҳисобварақ эгаси янги имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчани тақдим қилади. Бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар юридик шахснинг юридик йиғмажилдига тикилади.».

7. 41-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Юридик шахс тугатилаётганда, унинг барча банк ҳисобварақлари тугатиш комиссиясининг тасарруфига ўтади. Бундай ҳолда, асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкка тугатиш комиссиясининг амал қилиш муддати кўрсатилган юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарори ҳамда тугатиш комиссияси раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари намуналари қўйилган варақча тақдим қилинади (юридик шахс бўлган нодавлат нотижорат ташкилот тугатилаётганда бош бухгалтерининг имзоси талаб қилинмайди). Шундан сўнг юридик шахснинг асосий ҳисобварақига уни туга-

тишга доир ягона ҳисобварақ мақоми берилади.».

8. 46-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар фақат чиқим қисмида тўхтатилади.»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

9. 49-банднинг биринчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахслар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари — уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳолларда (деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари бундан мустасно), банклар уч кунлик муддат ичида бундай корхоналар ҳақида улар ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тегишли чоралар кўриш учун ахборот беришлари шарт.».

10. Мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи ушбу ўзгартиришлар ва қўшимчанинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги Йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчага
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги Йўриқномага 3-ИЛОВА

Олд томони

**Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган
ВАРАҚЧА**

Ҳисобварақ эгаси _____
(тўлиқ номи)

Манзили:

БАНК БЕЛГИСИ

Имзолар намуналарини қабул қилишга
рухсат берилди
Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш
вазифаларини амалга оширувчи шахс

_____ (имзо)

Сана: 20__ йил «__» _____

БОШҚА БЕЛГИЛАР

Орқа томони

_____ Ҳисобварақ рақами _____

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

Лавозими	Фамилияси, исми, отасининг исми	Имзо намуналари
Биринчи имзо		
Иккинчи имзо		

Биринчи ёки иккинчи имзо
ҳуқуқидан вақтинча фойдаланувчи мансабдор шахсларнинг ваколат муддати

Муҳр изи намунаси

Ваколат ва имзоларни тасдиқлаган хўжалик юритувчи субъект муҳрининг ўрни

Тасдиқлайман _____
(Юридик шахс раҳбари)

_____ (Ф.И.О. ва имзо)

Берилган чек дафтарчаси		
Сана	№ дан	

DOLZARB SHARH

Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартибига ўзгартириш киритилди

«Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) киритилган 4-ўзгартириш ва қўшимчаларга шарҳ



Мавлон МАРПАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Бухгалтерия ҳисоби,
ҳисоботи ва давлат
бюджети касса ижроси
департаменти директори
ўринбосари, и.ф.н.

Маълумки, республика банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш бўйича асосий норматив ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) ҳисобланади. Шу давр ичида ушбу ҳужжатга фақат уч марта қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган эди.

Лекин ўтган давр мобайнида республика иқтисодиётида, хусусан, банк тизими ва бухгалтерия соҳасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банклар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ 360-сонли қонуни билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 28 августда қабул қилинган ва Сенати томонидан 2013 йил 12 декабрда маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси» тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги N 9/1-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низом янги таҳрири тасдиқланди ва 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан давлат рўйхатига олинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги 2012 йил 11 февралдаги 38/1 ва 89-сонли қарорига асосан «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида»ги Йўриқнома (рўйхат рақами 1009, 2001 йил 19 февраль) ўрнига «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида»ги Йўриқнома янги таҳрирда тасдиқланди ва 2012 йил 1 февралда 2320-сон билан давлат рўйхатига олинди. Шу билан бир қаторда, «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит

операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (рўйхат рақами 2205, 2011 4 март), «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) ва бошқа норматив ҳужжатларга бир неча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Табиийки, мазкур ўзгаришлар молиявий ахборотлаштириш тизими бўлган банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш масалаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 30 декабрдаги 47/9-сонли қарори билан 1834-сонли Йўриқномага киритилган 4-ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқланди ва 2015 йил 9 февралда 1834-4-сон билан давлат рўйхатига олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1834-сонли Йўриқномага киритилаётган навбатдаги ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси бўйича бир неча марта тижорат банкларидан ёзма фикр ва мулоҳазалар олинди ва уларнинг мутахассислари билан давра суҳбати ўтказилди. Бундан ташқари, халқаро амалиёт таҳрибаси ўрганилди.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 6-моддасида тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳуқ-қатор қондаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи оdatи деб ҳисобланиши ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва аъъаналар қўлланилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 5-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Бинобарин, Марказий банк ўзининг банкларни бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишда нисбий мустақилликка эгадир. Ёки у ўзининг юқоридаги

қонуний ваколатидан фойдаланган ҳолда, ушбу норматив ҳужжатларда банклар фаолияти хусусиятларини инобатга олган ҳолда айрим чекловлар ва қўшимчалар киритиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга доир асосий норматив ҳужжат 1834-сонли Йўриқнома ҳисобланади. Мазкур Йўриқномада (2-банд) банкларда бухгалтерия ҳисоби ишларини юритиш ва бухгалтерия аппаратыни ташкил қилиш тамойиллари, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланмасини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган, банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари ҳамда бажарилган банк операцияларининг қонунийлиги бўйича жавобгарлик белгиланган.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ:

«Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади.

Йўриқноманинг 10-бандига чет эл валютасида очилган ҳисобварақлар бошқа ходим томонидан юритилиши мумкинлиги ва ҳисобварақларни бухгалтерия ходимлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш китоби қўлда ёки дастурий равишда бош бухгалтер томонидан юритилиши лозимлиги ҳақида аниқликлар киритилди.

Раҳбар куйидаги ҳуқуқларга эга:

– бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

– бухгалтерия ҳисоби юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига ёки таркибига бухгалтерия субъекти ҳам кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисобга олиш бўлимига юклash;

– бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.»

Марказий банк ўзининг юқоридаги қонуний ваколатидан фойдаланган ҳолда, 1834-сонли Йўриқноманинг 7-бандида банкларда бухгалтерия ишларини юритиш учун бухгалтерия аппараты тузилиши ва банк бухгалтерия аппаратыга шартнома асосида четдан жалб қилинган бухгалтерлар ёки бухгалтерия фирмаси ходимларининг киритилиши қатъиян тақиқланиши тўғрисида талаб киритган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда (6-банд) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни банк филиали раҳбари амалга ошириши ҳамда бухгалтерия аппаратыга банкнинг бош бухгалтери раҳбарлик қилиши белгиланган. Бундан ташқари, мазкур Йўриқно-

манинг 16-бандига мувофиқ таркибий тузилмаси Фронт-офис ва Бэк-офис сифатида ташкил этилган йирик банкларнинг бухгалтерия аппараты шу таркибий тузилмаларга мос равишда ташкил этилиши мумкин.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг юқорида қайд этилган хусусиятлари 1834-сонли Йўриқномада белгиланган барча талабларга ўз таъсирини ўтказган. Хусусан, мазкур ҳужжатга киритилган 4-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам бундан мустасно эмас. Жумладан, 1834-сонли Йўриқноманинг 3-банди биринчи хатбошисидан банк операцияларини амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш тўғрисидаги талаблари барча банклар учун мажбурийдир, деб белгиланган бўлса, унинг иккинчи хатбошисидан, банклар янги ҳужжатда белгиланган асосий қоидалар доирасида ўзларининг иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия операциялари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида

Биз юқорида 1834-сонли Йўриқномага асосан банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни банк филиали раҳбари амалга ошириши ҳамда бухгалтерия аппаратыга банкнинг бош бухгалтери раҳбарлик қилиши талаби белгиланганлиги тўғрисида айтиб ўтган эдик. Лекин Йўриқноманинг тегишли бандларида бош бухгалтер масъулияти тўлиқ кўрсатилмаган ҳолатлари мавжуд бўлганлиги сабабли, 9-банд – бухгалтерия аппараты ходимларининг аниқ вазифалари бош бухгалтер томонидан ҳамда 16-банд – Фронт-офис ва Бэк-офис ходимларининг аниқ вазифалари мос равишда Фронт-офис ва Бэк-офис бошлиқлари томонидан белгилаб берилиши тўғрисидаги янги талаблар билан бойитилди.

Юқоридаги талаблар ҳамда 1834-сонли Йўриқноманинг 8-бандининг охириги хатбошисига мувофиқ Йўриқноманинг 10-бандига чет эл валютасида очилган ҳисобварақлар бошқа ходим томонидан юритилиши мумкинлиги ва ҳисобварақларни бухгалтерия ходимлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш китоби қўлда ёки дастурий равишда бош бухгалтер томонидан юритилиши лозимлиги ҳақида аниқликлар киритилди.

Худди шунингдек, Йўриқноманинг 11-бандида белгиланган банк муҳрлари ва бурчакли штампларининг ҳисобини «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташкилга доир» Йўриқноманинг (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) 289-бандига мослаштириш мақсадида унга «банк муҳрлари ва бурчакли штампларининг ҳисобини юритиш мўлжалланган дафтар варақлари рақамланган, боғланган ва банк муҳри, банк раҳбари ҳамда бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланган бўлиши ва банк раҳбарининг ёзма фармойиши билан тайинланган ва қимматликлар билан операциялар олиб боришдан озоод этилган шахс томонидан алрҳида китобда рўйхатга олиниши бўйича аниқликлар киритилди.

Маълумки, 1834-сонли Йўриқнома минибанклар фаолиятини тартибга солувчи ягона норматив ҳужжат ҳисобланади. Амалдаги ҳужжатнинг 18-бандида барча банк минибанкларда иш куни банк иш кунидан камида икки соат олдин якунланиши ва кун давомида амалга оширилган операцияларга асос бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини якуний назоратдан ўтказилиши ва кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғмажилдига тикиш учун банкка иш куни тугамасдан инкассация хизмати орқали етказиб берилиши шарт қилиб белгиланган эди.

(Давоми 8-бетда).

DOLZARB SHARH

Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартибига ўзгартириш киритилди

«Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) киритилган 4-ўзгартириш ва қўшимчаларга шарҳ

(Давоми. Бошланиши 7-бетда).

Бугунги кунда барча банкларнинг минибанклари иш вақтини тугатиш бўйича бир хилда аниқ, 2 соатлик вақтни белгилаш ноўринлиги маълум бўлиб қолди. Чунки айрим банкларнинг минибанклари ўз филиалига жуда яқин, баъзилари эса анча узоқда жойлашган. Шунинг учун минибанкларнинг иш вақтини банклар томонидан ўз иш вақтидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилаш мақсадида мазкур банддаги икки соат олдин етказиб келиш меъёри бекор қилинди. Янги ҳужжатга асосан минибанкларда иш куни банк иш куни давомида амалга оширилган операцияларга асос бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини якуний назоратдан ўтказиш ва кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғмажилдига тикиш учун банкка иш куни тугамасдан олдин инкассация хизмати орқали етказиб берилгандан сўнг якунланади. Яъни, минибанклар иш куни тугамасдан кунлик бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа қимматликларни инкассация хизмати орқали етказиб беришни таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасида Марказий банкнинг электрон тўловларни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўлов тизимининг барча субъектлари учун мажбурийлиги, шунингдек, мазкур қонуннинг 13-моддасида электрон тўлов ҳужжати пул ҳисоб-китобига доир қоғоз ҳужжат асосида ёки электрон тўлов воситасидан фойдаланган ҳолда тузилиши қайд этилган. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда 1834-сонли Йўриқноманинг 26-бандидаги «пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаси ҳамда Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари мижозларидан электрон алоқа орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари, шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлар» жумласи пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг қоғоз ҳамда электрон шакллари жумласига ўзгартирилди.

«Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларининг (рўйхат рақами 2528, 2013 йил 25 ноябрь) 2-иловасининг «ж» кичик бандида имзо ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар ёки юридик шахс номидан иш кўрувчи жисмоний шахснинг идентификацияси тўғрисида маълумотлар юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркор-

ларни идентификациялашда зарур бўладиган маълумотларга киритилиши белгиланган. Шу сабабли, 1834-сонли Йўриқноманинг 27-бандига банк томонидан мижознинг нафақат пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари, шунингдек, Банк ҳисобварағи шартномасида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар мижознинг банкка тақдим қилган муҳр ва имзо қўйилган варақчада кўрсатилган шахслар ёки мижознинг ишончнома асосида вакил қилинган шахсидан қабул қилиниши бўйича ўзгартириш киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 27-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатда, қоида тарикасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий нормалари қайта

пул чекларини қабул қилишда масъул ижрочи бухгалтер нақд пул чеки билан иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадалларни, Касаба уюшмаларига ихтиёрий бадалларни, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳамда жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларини ўтказиш бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр билан тасдиқланган реестр илова қилинган тўлов топшириқномалари тақдим этилмаган ҳолларда нақд пул чеклари банклар томонидан ижрога қабул қилинмайди» нормаси ҳамда 1834-сонли Йўриқноманинг 51-бандида тақдорланганлиги туфайли унинг 60-бандидаги «Шунингдек,

Йўриқноманинг 27-бандига банк томонидан мижознинг нафақат пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари, шунингдек, Банк ҳисобварағи шартномасида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар мижознинг банкка тақдим қилган муҳр ва имзо қўйилган варақчада кўрсатилган шахслар ёки мижознинг ишончнома асосида вакил қилинган шахсидан қабул қилиниши бўйича ўзгартириш киритилди.

айнан тақдорланмаслиги лозим. Шу сабабли, 1834-сонли Йўриқноманинг 31 ва 32, 73-бандининг иккинчи хатбоши ва 74-бандда белгиланган нормалар «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низомнинг (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) мос равишда 20, 7 ва 5-бандларида тақдорланганлиги ҳамда 1834-сонли Йўриқноманинг 33-банди талаблари унинг янги 26-бандига киритилганлиги сабабли улар чиқариб ташланди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида»ги Йўриқнома (рўйхат рақами 2320, 2012 йил 1 феврал)нинг 13-бандида ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) 12-бандида мазкур талаблар мавжудлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармонининг 1-иловаси 19-бандида тадбиркорлик субъектларидан бюджет олдида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосалар талаб этишни бартараф этиш лозимлиги белгиланганлиги сабабли 57-банднинг иккинчи хатбошида белгиланган «Нақд

Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўйш, чишиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим» жумласи чиқариб ташланди.

Бугунги кунда банкларнинг нақд пул муомаласи билан боғлиқ фаолияти, улар томонидан иқтисодиётда амалга ошириладиган устувор вазифалар, мураккаб ва замонавий банк хизматлари ичида камтарона ўрин тўтиб қолди. Жаҳон ҳамжамияти эришган юксак технологик ютуқлардан фойдаланган ҳолда пул муомаласида нақд пуллар ўрнини банк (ёки бошқа кредит ташкилотлари) ҳисобварақлари бўйича ёзувлар ва турли электрон тўлов ҳужжатлари эгаллаб бормоқда.

Жумладан, бизнинг республикамизда халқаро андозаларга тўла жавоб берувчи замонавий электрон тўлов тизими ишлаб турибди. Ҳозир банк ҳисобварақлари орқали тўловлар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шаклида ўта қисқа вақт ичида амалга оширилмоқда.

Банк амалиётида кирим ва чиқим касса журналлари бланкалари компьютер техникаси ёрдамида шакллантирилиб, унинг рекевизитлари қўлда тўлдириладиганлиги сабабли 1834-сонли Йўриқноманинг 48-банди шу мазмундаги янги тахрирда берилди. «Кирим ва

чиқим касса журналлари банк амалиёт куни давомида компьютерда юритилганда, улар кун якунида қоғозга чоп этилади ҳамда дастлабки назоратдан ўтказган Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи, кирим ёки чиқим кассирлари ҳамда касса мудири томонидан имзоланади».

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларининг (рўйхат рақами 2528, 2013 йил 25 ноябрь) 2-иловасининг «ж» кичик бандида имзо ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар ёки юридик шахс номидан иш кўрувчи жисмоний шахснинг идентификацияси тўғрисида маълумотлар юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўладиган маълумотларга киритилиши белгиланганлиги сабабли 1834-сонли Йўриқноманинг 123-бандига тегишли ўзгартириш киритилди. Хусусан, мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги шахсий ҳисобварақдан кўчирма, мижознинг банкка тақдим қилган муҳр ва имзо қўйилган варақчада кўрсатилган шахслари ёки унинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахс томонидан олиниши белгиланди.

Бундан ташқари, Автоматлаштирилган банк тизими ахборотлар омборхонаси номи Интеграллашган автоматлаштирилган банк тизимининг электрон маълумотномалар ягона базасига ўзгарганлиги сабабли ҳамда банк томонидан мижозга тақдим қилинган ҳужжатларни (бу ерда шахсий ҳисобварақдан кўчирма назарда тутилмоқда) қалбакилаштиришнинг олдини олиш мақсадида ушбу банднинг иккинчи хатбошида шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар «компьютер ёрдамида тайёрланганлиги учун пул мижозларга берилаётганда имзолар ва банк штамплари билан расмийлаштирилмайди» жумласи «шахсий ҳисобварақдан кўчирма интеграллашган автоматлаштирилган банк тизимида тайёрланади, улар мижозларга берилаётганда мазкур мижозга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочи бухгалтер (Фронт-офис ходими) имзоси ва унга бириктирилган банк штамп билан расмийлаштирилади» жумласига, шунингдек, мазкур банднинг учинчи хатбошидаги «Автоматлаштирилган банк тизими ахборотлар омборхонаси» сўзлари «Интеграллашган автоматлаштирилган банк тизимининг электрон маълумотномалар ягона базаси» сўзларига ўзгартирилди.

Йўриқноманинг 27 ва 123-бандига киритилган ўзгарти-

ришлар 125-бандда белгиланган нормаларни ўзида ифодалаганлиги учун мазкур банд ўз кучини йўқотган деб топилди.

Маълумки, 1834-сонли Йўриқноманинг ўзидан олдинги шу тоифадаги ҳужжатлардан афзал қисми ҳеч иккиланмай «Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш» параграфи, десак бўлади. Чунки, бу параграфда банклар бухгалтерия ҳужжатларини кунлик йиғмажилдга катта ҳажмдаги кераксиз ҳужжатларни тикишдан озод қилинди. Бундан ташқари, ушбу янги қоида банкларга ҳам жисмоний, ҳам моддий иқтисод қилиш имконини берди.

«Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг электрон тўловларни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўлов тизимининг барча субъектлари учун мажбурийлиги, шунингдек, ушбу қонуннинг 13-моддасида электрон тўлов ҳужжати пул ҳисоб-китобига доир қоғоз ҳужжат асосида ёки электрон тўлов воситасидан фойдаланган ҳолда тузилиши талабларидан келиб чиққан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 155-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 1834-сонли Йўриқноманинг кунлик йиғмажилдга ҳужжатлар тикиш қоидаи белгиланган 157-бандига кунлик йиғмажилдга тикиладиган айрим қоғозли ҳужжатлар ўрнига уларнинг электрон шаклидан фойдаланишни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, 157-банднинг саккизинчи хатбошидаги «ҳисобварақлар бўйича айланма ва қолдиқ суммалар» акс эттирилган рўйхат чиқариб ташланди ва тўққизинчи хатбоши «зарур ҳолларда ҳужжатлар рўйхати кунлик бухгалтерия журналининг тегишли қисмидан дастурий йўл билан олинади» қоидаи билан тўлдирилди.

Юқоридаги ўзгаришлар асосида кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиладиган ҳужжатлар шакли намунаси кўрсатилган 6-илова ҳам мос равишда янгиланди. Янги иловага мувофиқ, ҳужжатлар шаклида ҳар бир ҳужжат рақами ва суммаси кўрсатилмасдан, балки уларнинг сони ва умумий суммаси кўрсатилиши билан чегараланди.

Ўйлаймизки, 1834-сонли Йўриқномага киритилган янги ўзгартириш ва қўшимчалар банкларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ва аниқ ҳамда қулай осон юритиш имкониятларини кенгайтиради.

MASOFAVIY BANK XIZMATLARI

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини сарф-харажатларни камайтирган ҳолда ўсишини таъминлаш, миждозлар талабини тўлақонли қондириш учун иш унумдорлигини янада ошириш — замонавий банк муассасалари фаолияти муваффақиятининг муҳим омилларидан саналади. Шу боис, мамлакатимиз банк тизимида замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда масофавий банк хизматларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг турлари: «Банк-миждоз» — бу компьютер орқали амалга ошириладиган тизим бўлиб, бунда миждознинг компютери махсус дастур ўрнатиллади. Ушбу дастур компютерда

барча миждоз маълумотларни сақлайди (асосан тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар). Банк ва миждознинг компютери ўртасида модем орқали тўғридан-тўғри алоқа амалга оширилади.

«Интернет-банкнинг» — бу миждозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан, пластик карталарга очилган ҳисобварақларини интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Бу хизмат тури миждознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган. Фойдаланувчи тизимга веб-браузер орқали киради. «Интернет-банкнинг» тизими банкнинг веб-серверда жойлаштирилади. Фойда-

ланувчи банкнинг веб-сайтида барча ўз маълумотлари (тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар)ни кўриб чиқиш имкониятига эга.

«Интернет-банкнинг» хизмати орқали миждоз ўз иш жойида ёки бошқа ўзига қулай шароитда:

- тўловларни ўтказиш;
- тўлов ўтиши босқичларини кузатиш;
- барча ҳисоботларни олиш каби амалиётлардан исталган вақтда фойдаланиш имкониятини яратади.



«Интернет-банкнинг» орқали миждоз ўз иш жойидан интернет орқали банк сайтига улашиб ўз ҳисоб рақамига тўлаётган пулларни кўриши, пул ўтказмаларини тайёрлаб банкка узатиши мумкин бўлади.

«Мобиль-банкнинг» тизими «Интернет-банкнинг» технологияси асосида яратилди.

«SMS-банкнинг» — бу банк миждозларга уларнинг депозит ҳисобварақларидаги

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони 2015 йил 1 февраль ҳолатига

Банклар номи	«Интернет-банкнинг» ва «Банк-миждоз»	«SMS-банкнинг» ва «Мобиль-банкнинг»	Жами
ТИФ Миллий банки	7 630	47 402	55 032
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	2 556	2 581	5 137
«Агробанк» АТБ	4 289	206 576	210 865
«Ипотека-банк» АТИБ	5 214	44 281	49 495
«Микрокредитбанк» АТБ	2 364	15 417	17 781
ДТ Халқ банки	3 885	17 019	20 904
ЧЭКИ «Савдогар» АТБ	573	1 517	2 090
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	1 672	15 358	17 030
«Турон» АТБ	1 885	2 990	4 875
ЧЭКИ «Ҳамкорбанк» АТБ	8 869	9 105	17 974
«Асака» ДАТБ	2 441	57 719	60 160
«Ипак йўли» АИТБ	3 522	11 234	14 756
«ЎТ-Банк»	178	175	353
«Трастбанк» ХАББ	2 441	1 751	4 192
«Алоқабанк» АТБ	2 779	27 878	30 657
«ҚДБ банк Ўзбекистон» АЖ	326	736	1 062
«Туркистон» ХАТИБ	452	148	600
Эрон «Содерот» банки	5	13	18
«Универсалбанк» ХАТБ	752	568	1 320
«Капиталбанк» АТБ	4 519	23 223	27 742
«Равнақ-банк» ХАТБ	486	200	686
«Давр-банк» ХАТБ	2 285	1 295	3 580
«Invest Finance Bank» ХАТБ	1 354	1 631	2 985
«Asia Alliance Bank» АТБ	1 581	6 033	7 614
«Hi-tech bank» ХАТБ	151	11	162
«Orient Finans» ХАТБ	873	1 616	2 489
Жами	63 082	496 477	559 559



ҳамда пластик карталарга очилган ҳисобварақларидаги операциялар ҳақида SMS кўринишдаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварақидан маълумот олиш учун миждоз банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган SMS-сўровни юбориши керак.

Мижоз учун «SMS-банкнинг» хизмати қуйидаги амалларни бажариш имкониятларини берилади:

- ҳисобварақига келиб тушган маблағлар;
- ҳисобварақидан қилинган харажатлар;
- ҳисобварақ баланси;
- кун давомида ўтказилган банк операциялари ҳақида тезкор маълумот олиш.

«Асака» банк: чакана хизматлар бозоридаги фаоллик

Мамлакатимизда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳоли эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар кўлами тобора ортмоқда.

«Асака» банк томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кескин қисқартириш ва аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича олиб борилган фаол ишлар натижасида аҳоли омонатлари қолдиги 2015 йил 1 январь ҳолатига 85,3 млрд. сўмга ўсди ва бу кўрсаткич 490,8 млрд. сўмни ташкил этди.

2014 йил давомида кўшимча 12 та янги омонат турлари очилди. Ҳозирда банкда қулай шартларда миллий ва хорижий валютада жорий этилган 60 га яқин омонатлар аҳоли манфаатлари учун хизмат қилмоқда.


Миллий ва хорижий валютадаги омонатлардан фойдаланувчилар сони 50,0 минг нафарга ўсди ва умумий ҳисобда уларнинг сони 1 421,0 минг нафардан ортиқни ташкил этмоқда.

«Асака» банк томонидан аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича амалга оширилган ишлар республикамиз раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги 991-сонли Қарорига асосан 2014 йил якунлари бўйича ўтказилган танловда «Асака» банк «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки» номинацияси бўйича 1-ўринни, банкнинг Олтиариқ филиали «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинацияси бўйича 3-ўринни қўлга киритди.

Юртбошимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1325-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида пластик карталар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк томонидан 1 457,9 минг донадан ортиқ пластик карталар муомалага чиқарилиб, уларнинг сони 151,2 минг донага ўсди. Жойларга 9 951 та терминал, 27 та банккомат ва 46 та инфокиоск ўрнатилган бўлса, 8 338 та корхона ва ташкилотларда «иш ҳақи»

лойиҳалари доирасида пластик карталар муомалага чиқарилган.

Пластик карталар орқали амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгайиб, 2014 йил давомида савдо айланмалари ҳажми 1 163,1 млрд. сўмни ташкил этди.



«Асака» банкда ўрнатилган барча инфокиоск ва банккоматлар «Uz Paynet» тўлов тизимига уланган бўлиб, миждозлар пластик карта орқали барча коммунал хизматлар бўйича ва уяли алоқа учун тўловларни амалга ошириш, қайси банк эмитенти бўлишидан қатъи назар, ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳолати бўйича маълумотларни олиш, пул маблағларини пластик карталарга юклаш каби имкониятларга эга. Шу қаторда «Асака» банк томони-

дан миждозларга UzCard EMV (онлайн) тизимида фойдаланишга мўлжалланган пластик карталар таклиф этилмоқда. Улар ёрдамида «SMS-To'lov» ва «UzCard-Click» дастурий тизимлари орқали барча коммунал хизматлар, уяли алоқа операторлари, кабель телевидениеси, интернет ва бошқа хизматлар ҳамда товарлар учун тўловларни ўтказиш, банк томонидан миждоз учун очилган ҳисоб рақамини бошқариш, жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмаларини уяли алоқа телефони ёки интернет тармоғи орқали банк иштирокисиз амалга ошириш имкониятлари жорий этилди.

«Асака» банк томонидан миждозларга «Халқаро пластик карталар («MasterCard») орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими»ни кенгайтириш бўйича ҳам ишлар давом эттирилмоқда. Банк томонидан чиқарилган халқаро пластик карталар сони 135,0 минг донадан ошди.

Мухтасар айтганда, жорий йилда ҳам банк ўз миждозлари учун юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш бўйича фаол ишлар олиб боришни мақсад қилган.

Ёрқин ОЧИЛОВ.

YIRIK PLANDA

Намунавий уйлар учун янги омонатлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Янги уйлар халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, маҳаллий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик-коммуникация тизимлари билан уйғун, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай ҳолда барпо этилаётгани юртдошларимизга маъқул келмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жой қуриш бўйича мақсадли давлат дастури амалга оширилмоқда. Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг қўламли дастур доирасида 2014 йилда 11 мингта янги турар жойлар барпо этилгани алоҳида қайд этилди.

Бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришда мамлакатимиз молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки бош режа асосида қишлоқлар қиёфаси ва аҳолининг уй-жой шароити сифатини яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда банк аҳолига кенг қулайлик яратиш мақсадида намунавий уй-жойларни сотиб олиш учун бошлангич бадални йиғишда ёрдам берадиган қатор омонат турларини таклиф этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги «Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори бунда дастуриламал бўлаётир.

– **Банкимизда миллий ва хорижий валютада қирққа яқин қулай омонат тури жорий этилган, – дейди «Қишлоқ қурилиш банк»нинг омонатчилар ва кредиторлар маблағларини мониторинг қилиш бошқармаси етакчи мутахассиси Файрат Жуманиёзов.** – «Хонадон» омонати улардан бири бўлиб, миллий валютадаги бу омонатта намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун мўлжал-

ланаётган лойиҳа қийматининг 25 фоиз миқдоригача дастлабки бадал йиғиб борилади ва 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади. Дастлабки қўйилган омонат суммаси устига қўшимча маблағ киритиш имкони ҳам мавжуд.

«Хонадон» омонатининг қулайлиги шундаки, унга фуқаро ўз маблағини нақд ёки нақдсиз шаклда, учинчи жисмоний шахслар, жумладан, яқин қариндошлари томонидан уларнинг аризаси асосида, фуқаронинг иш берувчиси томонидан нақдсиз шаклда, банк ажратган кредитлар ҳисобига, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа шаклларда (ҳомийлик, қарз, молиявий ёрдам каби) қўйиши мумкин. Бироқ банкка мазкур турдаги омонатнинг қабул қилиниши, уй-жой қуриб беришга доир буюртманома қабул қилинди дегани эмас.

«Қурилишга бошлангич бадал» омонати қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун дастлабки бадалларни жамғариш мақсадида жорий қилинган бўлиб, омонат ва унга ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси ҳисоб рақамига ёки омонатчининг талаб қилиб олинганча омонат ҳисоб рақамига кўчирилади.

«Мадад» омонат тури ҳам намунавий уй олган фуқаролар учун жорий қилинган. Йиллик 26 фоиз миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланадиган мазкур омонат миллий валютада, нақд пулда ёки иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадларни нақд пулсиз кирим қилиш орқали қўйилиши мумкин. Омонатчи ўз пул маблағларини шартнома муддати тугагунга қадар шартномада келишилган шартлар асосида омонатнинг асосий суммасини нақд шаклда олиши, бошқа омонат турига нақдсиз равишда расмийлаштириши ёки уни бошқа банк муассасасига ўтказиши мумкин. Унинг яна бир афзаллиги фоизлар ҳар ойда омонатчининг ипотека кредити ҳамда фоиз тўловларига йўналтирилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, банкка қўйилган омонатларнинг сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланишидан ташқари уларнинг ҳимояси ҳам доимий эътиборда. Омонат ҳисобварақлари, депозит сертификатлари бўйича олинадиган даромад ва ютуқлар барча турдаги солиқлардан озод қилинган ва уларнинг тўлиқ ҳажмда қайтарилиши давлат томонидан кафолатланган.

ЎЗА материали асосида.

Қонун ҳужжатлари моҳияти ўрганилди

Бугунги кунда жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш жамиятнинг барча соҳалари, жумладан, банк тизими олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 331-сонли Қарори ушбу соҳада асосий мезон бўлиб келмоқда.

Давлат-тижорат Халқ банкида ҳам бу борадаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, ички назорат фаолиятини тўғри ташкил этиш, ходимларнинг соҳага оид билим ва малакаларини ошириш мақсадида жорий йилнинг 21 февраль кун Халқ банкининг бош биносида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва Республика Марказий банки билан ҳамкорликда «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш» мавзусида ўқув-семинари ташкил этилди.

Мазкур семинарда банк ходимларининг соҳага оид билимларини янада ошириш, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонунчилик ҳужжатларини ҳар томонлама пухта ўрганиш ҳамда бевосита иш жараёнида уларга сўзсиз амал қилинишини таъминлаш кераклигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш фа-



олияти билан боғлиқ халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик соҳасидаги янгиликлар борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимлари К.Зарипов ва Ш.Абдуллаевлар маъруза қилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ички назоратни муофиқлаштириш бошқармаси ходими А.Аббасов мазкур мавзуга оид ҳужжатларнинг моҳияти борасидаги маърузаси билан иштирок этди.

– **Республикамиз бўйлаб ташкил этилаётган бу каби тадбирлар юртимиз ва аҳолимиз фаровонлиги учун хизмат қилади, – дейди ДТ Халқ банкининг Ички назорат департаменти директори Шавкат Полвонов.** – **Бизнинг банк ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва Республика Марказий банки билан ҳамкорликда мазкур фаолият бўйича ходимлар малакасини ва ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишни кўзловчи қатор тадбирларни ташкил этмоқда.**

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

Кўчмас мулкка оид тартиб-қоидалар

Фуқароларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан Давлат солиқ хизмати органларига маълумот тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни асосида Солиқ кодексининг 84-моддасига киритилган ўзгартишларга кўра, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ҳар йили 1 февралгача ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида 1 январь ҳолатига кўра маълумот бериши, шунингдек, ер участкаси ва бошқа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар йил давомида юзага келганда, мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиниши шартлиги белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 272-моддасига асосан мулкка солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

Солиқ кодексининг 273-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойлар, кватиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объекти ҳисобланади. Ушбу кодекснинг 274-моддасига асосан эса, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган (масалан, Тошкент шаҳар «Ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат муассасаси ва

унинг туманлардаги бўлимлари) томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир.

Булардан ташқари, Солиқ кодексининг 277-моддасида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги Давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қиймати ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Азим ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

ТАHLIL

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги — 2014 йил якунлари

Қишлоқ хўжалигидаги тамойиллар

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг умумий ҳажми 2014 йил январь-декабрь ойларида 36 957,0 млрд. сўмни ташкил этди ёки 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 6,9 фоизга кўп бўлди.

2011-2014 йиллар давоми-

ташкил этди. Шуни қайд этиш лозимки, деҳқон хўжалиқларининг улуши 2011 йилдан бери 63-65 фоиз даражасида барқарор турибди. Иккинчи ўриндаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йирик етиштирувчиси фермер хўжалиқлари бўлиб, унинг улуши кўриб чиқилаётган даврда 32,9 фоизни ташкил этди. Бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари улуши 2,0 фоиздан ошмайди.

донда янги боғлар, шу жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив турдаги боғлар, шунингдек, 23 минг гектар майдонда узумзорлар яратилди. Интенсив боғларни яратиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 млн. дан ортиқ ниҳоллар олиб келинди.

2008-2014 йиллардаги экин майдонлари таркибининг мақбуллаштиришга доир

1-жадвал.

ЯИМ ва қишлоқ хўжалиги ўсиши динамикаси, ўтган йилларнинг январь-декабрь ойларига нисбатан фоизда

	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2011-2014 йиллардаги ўртача ўсиш
ЯИМ ўсиши	108,3	108,2	108,0	108,1	108,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг ўсиши	106,6	107,2	106,8	106,9	106,9
Деҳқончилик	105,6	107,4	106,4	106,9	106,6
Чорвачилик	107,9	107,1	107,4	107,0	107,4



да ЯИМ ишлаб чиқаришнинг ўртача ўсиши йилига 8,2 фоизни ташкил этди, аynи пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми йилига 6,9 фоиздан ўсди. Агар 2014 йил январь-декабрь ойлари якунларига кўра, ЯИМ ҳажми 2010 йил январь-декабрь ойларидаги кўрсаткич билан солиштирганда 136,8 фоизни ташкил этган бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 130,5 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришнинг хўжалиқлар тоифаларига кўра тақсимланиши

Хўжалиқлар тоифаларига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш таркибида деҳқон хўжалиқлари асосий ўрин эгаллайди. 2014 йил январь-декабрь ойларида уларнинг улуши умумий ҳажмининг 65,1 фоизини

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш таркиби

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида деҳқончилик улуши 2014 йил якунларига кўра, 59,0 фоизни, тегишинча, чорвачилик улуши 41,0 фоизни ташкил этди.

Деҳқончилик

Кўрилган чоралар натижасида 1,7 млн. гектар сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши таъминланди. Ер ости сувларининг жойланиши кескин даражада (2 метргача) бўлган ер майдонлари қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бир қисмдан кўпроққа қисқарди, кучли ва ўртача шўралаган ерлар майдони эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиоратив тадбирлар ўтказилган майдонларда пахта ҳосилдорлиги гектардан ўртача 2-3 центнерга, бошоқли галла экинлариники — 3-4 центнерга ошди.

2010-2014 йилларда қарийб 50 минг гектар май-

2-жадвал.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши ва чорва моллар сони, 2014 йил январь-декабрь ойлари 2013 йил январь-декабрь ойларига нисбатан фоизда

	ҳажми	ўсиш суръати,
Тирик вазндаги гўшт, минг тонна	1 906,5	106,7
Сут, минг тонна	8 432,8	107,0
Тухум, млн. дона	4 950,0	113,0
Йирик қорамол, минг бош	10 994,6	103,7
Кўй ва эчкилар, минг бош	18 447,4	104,1
Парранда, минг бош	56 195,0	107,4

қабул қилинган чоралар пахта экиш майдонларини 124,0 минг гектарга қисқартириш ва бошоқли дон экинлари майдонини 74,6 минг гектарга, картошка майдонини 20,4 минг гектарга, сабзавотлар майдонини 29,1 минг гектарга, полиз экинлари майдонини 9,3 минг гектарга кенгайтириш имконини берди.

Деҳқончилик маҳсулотлари умумий ҳажми 2014 йил январь-декабрь ойлари якунларига кўра, 21 810,4 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этди, бу ундан аввалги йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 6,9 фоизга кўпдир.

Деҳқонларнинг фидокорона меҳнати ва замонавий агротехнологиялар жалб этилиши туфайли республика мизда 3 млн. 400 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони кўтаришга ҳамда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихидаги рекорд даражада — 8 млн. 50 минг тонна бошоқли дон экинларини етиштиришга эришилди.

Жорий йилда 9 286,7 минг тонна сабзавот (2013 йил кўрсаткичига нисбатан 109,1 фоиз), 2 452,4 минг тонна картошка (109,0 фоиз),


1 696,1 минг тонна полиз экинлари (108,9), 2490,6 минг тонна мева ва резавор мевалар (110,2 фоиз) ҳамда 1 441,2 минг тонна узум (109,3 фоиз) етиштирилди.

Қишлоқ хўжалиги барқарор ва самарали ривожланишининг энг муҳим йўналиши замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва унумли қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлаш ҳисобига уни интенсив юритиш усулларига ўтказиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадни кўзлаб қишлоқ хўжалиги машина-созлиги бутун тизими қайта ташкил этилди, «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси ташкил этилди, тармоқ корхоналари мақбуллаштирилиб, қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситаларининг айнан талабгир турларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Тошкент трактор заводининг мақбуллаштирилган майдонларида янги корхона — «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» МЧЖ барпо этилди, унда тракторлар, тиркамалар ва пахта териш машиналарининг янги русумлари ишлаб чиқарилмоқда.

Чорвачилик

Чорвачилик маҳсулотларининг умумий ҳажми 2014 йил



январь-декабрь ойлари якунларига кўра, 15 146,6 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этди, бу ундан олдинги йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 7,0 фоизга кўпдир.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигидаги деҳқончилик сектори куйидаги натижаларни кўрсатди:

- 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, йирик қорамол сони 11,0 млн. бошга етди (2013 йил январь-декабрь ойларидаги кўрсаткич билан солиштирганда 3,7 фоизга ошди). Кўй ва эчкилар сони 18,4 млн. бошни (4,1 фоизга ўсган), паррандалар сони — 56,2 млн. бошни (7,4 фоизга) ташкил этди.

- 2014 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш маҳсулдорлигини ошириш чораларини кўриш натижасида гўшт етиштириш ҳажми 6,7 фоизга, сутники — 7,0 фоизга, тухумники — 13,0 фоизга кўпайди.

- Деҳқон хўжалиқлари улуши йирик қорамол умумий миқдорига 93,9 фоизни, сиғирлар — 94,5 фоизни, кўй ва эчкилар — 83,8 фоизни, парранда — 63,4 фоизни ташкил этди.

Минтақалар қишлоқ хўжалиги

Андижон (7,9 фоиз), Наманган (8,5 фоиз) ва Навоий (7,0 фоиз) вилоятларидаги қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари юқори ўсиш суръатларини намоён этдилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида Тошкент (2014 йил январь-

3-жадвал.

Республика минтақаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши

	млрд. сўмда		ўтган йилга нисбатан фоизда		умумий ҳажмига нисбатан фоизда	
	2013 й.	2014 й.	2013 й.	2014 й.	2013 й.	2014 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	930,0	1 097,3	107,1	106,1	3,0	3,0
Андижон	3 056,1	3 754,6	107,5	107,9	9,9	10,2
Бухоро	2 790,6	3 297,4	106,6	106,8	9,0	8,9
Жиззах	1 528,8	1 857,4	106,2	106,4	5,0	5,0
Қашқадарё	2 618,4	3 078,8	106,8	106,2	8,5	8,3
Навоий	1 445,7	1 804,1	107,4	107,0	4,7	4,9
Наманган	2 429,2	2 877,1	108,1	108,5	7,9	7,8
Самарқанд	3 732,3	4 394,1	106,5	106,9	12,1	11,9
Сурхондарё	2 740,8	3 323,5	106,5	106,6	8,9	9,0
Сирдарё	1 192,4	1 464,7	105,8	106,7	3,9	4,0
Тошкент	3 953,4	4 667,3	105,9	106,8	12,8	12,6
Фарғона	2 573,3	3 103,9	107,8	106,7	8,3	8,4
Хоразм	1 858,4	2 236,8	106,4	106,8	6,0	6,1
Ўзбекистон Республикаси	30 849,4	36 957,0	106,8	106,9	100,0	100,0

ХАВАРЛАР, VOQEALAR

Эълон ва рекламалар

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди фонд реестри ҳисобида турувчи банклар рўйхатини эълон қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки (акциядорлик жамияти).
3. «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» акциядорлик-тижорат банки.
4. «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки.
5. «Агробанк» акциядорлик-тижорат банки.
6. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки.
7. «Туронбанк» акциядорлик-тижорат банки.
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки.
9. Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки.
10. «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки.
11. «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки.
12. Чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки.
13. «Капиталбанк» акциядорлик-тижорат банки.
14. «Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банки.
15. «Туркистон» хусусий акциядорлик-тижорат инвестиция банки.
16. «Давр-банк» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
17. «Универсалбанк» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
18. «Равнақ-банк» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
19. «Invest Finance Bank» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
20. «Asia Alliance Bank» акциядорлик-тижорат банки.
21. «Hi-Tech Bank» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
22. «Orient Finans» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
23. «ҚДБ Банк Ўзбекистон» акциядорлик жамияти.
24. Ўзбек-Турк қўшма банки, «ЎТ-Банк» акциядорлик жамияти.
25. Эрон «Содерот» банкининг Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, республикада фаолият кўрсатаётган банклардаги аҳоли омонатлари, миқдоридан қатъи назар тўла ҳажмда кафолатланади.

«Ижодий дастхат»

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тасвирий санъат галереясида рассомларнинг истиқлол йилларида яратган асарлари кўргазмаси очилди.

– Ижодкор инсонлар одатда ўзига хос ҳаёт тарзига эга бўлади, – дейди **санъатшунос С.Рўзиёва**. – Улар камдан-кам ҳолатларда қандайдир ижодий гуруҳларга бирлашишади, бирлашганда ҳам жуда кичик танланган гуруҳлардан таркиб топади. Санъатшунослар эса, аксинча бирлашишга, ижодий жараёнларни тизимлаштиришга, турли йўналиш ва оқимда ижод қилувчи рассомларни умумлаштиришга мойил. Мазкур «Ижодий дастхат» деб номланган кўргазма лойиҳаси муаллифлари Қамариддин Ортиқов, Сожидахон Тошпўлатова ва Жамшид Валиевлар ҳам турли ижодий йўналишдаги рассомлар ишини бир жойга жамлаб, санъат шинавандаларига янги тўплам ҳадея этди.

Лойиҳа шартига кўра, тасвирий санъат вакиллари аниқ формат тақдим этилиб,

уни тугаллаш вақти ҳам белгиланди. 21x21 ўлчамли ўзига хос матоларга рассомлар ўз ижодий йўналишлари ва қизиқишлари доирасида «ижодий дастхат» туширди.



– Фояга барча ижод аҳли ижобий фикр билдирди, – дейди **Қамариддин Ортиқов**. – Улар лойиҳа бўйича жиддий иш олиб бориб, кўз ўнгимизда кичик рангтасвир, графика ва аралаш техникали ажойиб асарларни вужудга келтирди. Бир сўз билан айтганда, ушбу тўпламда ўзбек рассомлари ижоди акс этган «Олам сура-ти» юзага келди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Эълон



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкининг Кредит ташкилотлари,
кредит бюrolари фаолиятини лицензиялаш
ҳамда банклар ва кредит бюrolарини
рўйхатга олиш комиссиясининг
2015 йил 12 январдаги 8/23-сонли
қарорига мувофиқ, «Туронбанк»
акциядорлик-тижорат банки
Ҳамза филиалининг номи «Туронбанк»
акциядорлик-тижорат банкининг
Яшнобод филиалига ўзгартирилди.


Хизматлар лицензияланган.

БАНК ХИЗМАТЛАРИ, УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ

BANKEXPO

2015
12-13
МАРТ



Finance.uz
молиявий-иқтисодий портали

Ўз жамғармаларингизни самарали бошқаришни ва мулкнингиздан оқилона фойдаланишни истайсизми?
Бу саволларга жавобларни www.finance.uz сайтидаги «ШАХСИЙ ЖАМҒАРМА» рўйхатдан топишингиз мумкин.
Гувоҳнома: № 0857.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ХАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0085-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2037

Адади: 10191 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмда, 3 шартли босма табақда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 24.02.2015 й.